

## ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ИНТЕЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Холматов Жавохир**

Жиззах Давлат Педагогика Институтини педагогика назарияси ва тарихи 2-босқич магистранти.

**Ҳамидов Жалил**

Жиззах Давлат Педагогика Институтини, педагогика фанлари доктори.

**Аннотация:**Тезисда таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:**интеграция, интеллектуал фаолият, инновация, дидактика, ишланмалар, мантиқий кетма-кетлик.

Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлашни такомиллаштиришга оид янгиланган, яъни интеллектуал-лаштирилган таълим мазмуни Ҳозирда бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлашда жамият тараққиётини интеллектуаллаштириш жараёни муҳим омил бўлмоқда ва табиийки, бундай омилни таъминлаш бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш негизида амалга оширилади. Шунинг билан бирга қайд этиш мумкинки, интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларига эга бўлган ўқитувчи инновацион жараёнларга осон кириб боради ва унинг ўзи ҳам инновацион ривожланган бўлади. Бу масала давлат сиёсати даражасигача кўтарилган, яъни 2017 йил 29 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ – 2564 - сон фармони билан “Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш вазирлиги” ташкил этилди ва мазкур вазирлик қошида “Инновацион ривожланиш илмий-техник маркази” ҳам шакллантирилди. Бундай давлат ҳужжатларининг қабул қилиниши бежиз эмас албатта, кейинги пайтларда инновацион ривожланган мутахассис каби терминлар истеъмолга кириб келмоқда. Бунга сабаб жамиятни ахборотлаштириш ва интеллектуаллаштириш каби интеллектуал салоҳият ҳамда унга мос интеллектуал фаолиятлар жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Буларга эътиборан ҳозирда дунё бўйича олимлар ва етакчи мутахассислар бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил қила оладиган қилиб шакллантиришга катта эътибор қаратмоқдалар. Улар ичида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш ишлари ўта долзарб деб ҳисобланмоқда. Бунга сабаб бўлажак ўқитувчилар барча бўлажак мутахассисларни тайёрлашда у ёки бу шаклда иштирокчи бўлади.

Бу борадаги тадқиқот ишлари мамлакатимизда ва чет элларда олим ва етакчи мутахассислар томонидан турли йўналишларда амалга оширмоқда. Улар илмий тадқиқот институтлари, бўлажак мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтлари ҳамда давлат университетларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчи-изланувчилар иштирокида олиб борилмоқда.

Ҳозирда компетентлик масаласи давлат таълим стандартларининг талаблари мазмунига ҳам тўлиқ кириб бормоқда.

Бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларнинг аҳамияти катта. Бу борада Ж.Бобомуродов салмоқли тадқиқот ишларини олиб борган. Унинг ишларида ўқитувчи ёки таълим олувчи (фойдаланувчи) интеллектуал-лаштирилган ўқитиш тизими билан муносабатини интеллектуал интерфейс орқали амалга оширилиши асосий эътиборда бўлади. Бунда ахборотлар “Маълумотларни мантиқий қайта ишлаш” ва “Бошқарувчи”(ўқитувчи) блоклар ёрдамида ташкил этилади ва тартибга солинади (тизимлаштирилади) ҳамда интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизими фаолияти бошланади. Бу бўйича ўқитиш жараёнининг мантиқий модели ишлаб чиқилган.

Ушбу йўналишдаги ишларнинг аҳамиятли томони шундаки, таълим жараёнида интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларидан самарали фойдаланишда ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигида нафақат ўзи учун янги билимлар ўзлаштирилади, балки бунда таълим олувчи ўзгача изланишлар, кашфиётлар оғушида бўлади. Бундай ижодий ва онгли фаолият таълим олувчи учун алоҳида шахсий кадриятга эга ва шу сабабли интеллектуаллаштирилган жараён таълим олувчининг касбий фаолиятига иштиёқини янада орттиради. Бу эса таълимда муҳим бўлиб, таълим олувчининг кейинги интеллектуал салоҳиятига ва касбий фаолиятига мустаҳкам инновацион - дастурий дидактик асос бўлади.

Ушбу йўналишда О.Х.Тўрақуловнинг тадқиқот ишлари ҳам аҳамиятлидир. Унинг ишларида ўқув курсини ташкил этиш, уни таълим олувчи эътиборига ҳавола қилиш, ўқитувчи савияси, маҳорати, интеллектуал салоҳияти интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларидан амалиётда самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этилиши таъкидланади. Тадқиқотчи ишларида интеллектуал-лаштирилган ўқитиш тизимининг ташкилий – тузилмавий модели ишлаб чиқилган. Бунда таълим жараёни учун жамланган материал бўйича ўзлаштириш жараёни олиб борилади, яъни тизим томонидан таклиф этилган материал билан таълим олувчи танишгач, уни тизим биринчи босқичи назорати орқали кейинги қадам белгиланади. Олинган материал қайта ишлангач ўқитувчи-бошқарувчи ёрдамида кейинги босқичга йўналтирилади.

Ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари натижаларининг аҳамиятли томони шундаки, қайд этилган интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларидаги билимларни эгаллаган таълим олувчилар ўз билимларини янги вариантлардаги манбаларга кўчира олади, таҳлил ва умумлаштиришга оид муаммоларни ечишда янги, ўзига хос йўналишлар ярата олади, яъни ақлий фаолиятнинг янги йўналишларини шакллантира олади ва табиийки, бундай интеллектуал салоҳиятга эга бўлган таълим олувчи мустақил равишда эркин фикрлай оладиган бўлади ва ўз фаолиятини узлуксиз равишда такомиллаштириб бора олади.

- Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг алгоритмик босқичларини илмий-методик жиҳатдан асослаш. Бунда мазкур тадқиқотни бошлашдан, яъни бўлажак ўқитувчидаги мавжуд интеллектуал салоҳиятни аниқлашдан бошлаб тадқиқот мақсади ва стратегиясига мос илмий-методологик тавсияларни шакллантиришгача бўлган илмий фаолиятни амалга ошириш жараёни қаралади. Шунинг билан бирга интеллектуал ресурс ва салоҳиятни шакллантириш, интеллектуал фаолиятни таркиб топтириш ҳамда интеллектуал фаолиятни ташкил этиш каби динамик жараёндаги узвийлик ва узлуксизлик тадқиқотимиз диққат марказида бўлади. Бундай алгоритмик кетма-кетлик қаралаётган

муаммо ечимини ҳал қилишда аниқ тўғри йўлда олиб боришга дидактик асос бўлади ҳамда унга доир ишланмаларнинг мантиқий кетма-кетлигини ҳам таъминлаб беради;

- Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлашни такомиллаштиришга оид янгиланган, яъни интеллектуал-лаштирилган таълим мазмуни ишлаб чиқиш. Бунинг учун анъанавий таълим мазмунини интеллектуаллаштириш масаласини ҳал этишга тўғри келади. Бунда справочник ва дидактик маълумотлар ҳамда креатив ахборотлар мажмуаларига оид маълумотлар базаларини интеллектуал ресурсни таркиб топтиришга, интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга, интеллектуал фаолиятни шакиллантиришга ва интеллектуал фаолиятни ташкил этишга оид маълумотлар билан интеграциялаш масаласининг оптимал ечимини топишга тўғри келади. Бундай янгиланган таълим мазмуни интеллектуал фаолиятни шакллантиришдаги таълимий асосни самарадор қилиб тайёрлашнинг фундаментал асосини ташкил этади ва муаммонинг оптимал ечимини қўлга киритишда дидактик асос бўла олади;

- Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга оид усулларни танлаш ва ишлаб чиқиш. Бунинг учун қуйидаги усуллар ва улардан муаммо ечимини ҳал қилишда фойдаланилади: бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини тайёрлаш усули; Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни такомиллаштиришга оид маълумотлар базасини шакллантириш усули, интеллектуаллаштирилган таълим мазмунини шакллантириш усули; “Таълим сифати сари” технологиясини ишлаб чиқиш усули; Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш усули; янгиланган таълим мазмуни бўйича таълим беришнинг ахборот технологияли усули, Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларининг шаклланганлигини аниқлаш ва баҳолашнинг динамик тизимини ишлаб чиқиш усули. Улар қаралаётган муаммога самарали ва истиқболли ечим топиш имкониятларини кенгайтиради;

- Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга оид “Таълим сифати сари” технологиясини ишлаб чиқиш. Бунинг учун Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этишга оид кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг узлуксиз тизими талабларига жавоб бера оладиган “Таълим сифати сари” номли технологияни ишлаб чиқишга тўғри келади. Ушбу технологиянинг қимматли жойи шундаки, мазкур технология мавзу (қонун, қоида ва ҳ.к.)дан мавзуга қараб мантиқий кетма-кетлик асосида қўлланилиб борилаверади ва ҳар сафар таълим сифати таҳлил қилиниб борилади. Ушбу жараён тадқиқотимизнинг ҳар бир босқичида интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакалар бўйича умумлаштиришлар қилишга кенг имкониятлар яратади ва энг асосийси бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг инновацион методикасини ишлаб чиқишнинг самарадорли-гини оширади;

- Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга инновацион методика ишлаб чиқиш. Бунинг учун энг аввало бундай муаммо ечимини ҳал қилишнинг технологик харитаси ишлаб чиқилади ва у қуйидагидек қисмлардан иборат бўлади: тайёргарлик босқичи (бунда анъанавий таълим жараёни асос қилиб олинади ва мос справочник ва дидактик материаллар, креатив ахборотлар мажмуаси аниқланади ва шу кабилар); асосий босқич (бунда анъанавий ДТСдаги билим, кўникма ва малакалар интеллектуал ресурс ва салоҳият ҳамда фаолиятга оид маълумотлар билан янгиланган таълим мазмуни амалиётга жорий этиш ҳал этилади); натижаларни назорат ва таҳлил қилиш (бу мавзу бўйича

Ўзлаштиришни назорат қилишга оид саволлар орқали аниқланади ва билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши учун эса тест саволлари тузилади). Ушбу методика универсал характерга эга бўлиб, у “Таълим сифати сари” технологиясини ҳам ўз таркибига кирита олади;

- Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг узлуксиз тизимини шакллантириш ва уни амалиётга жорий этишнинг ахборотли технологиясини ишлаб чиқиш. Бунда энг аввало бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг алгоритмик босқичлари аниқланиб олинади. Уларни интеллектуал ресурс (1-курслар учун), интеллектуал салоҳият (2-курслар учун), интеллектуал фаолият (3-курслар учун) ва интеллектуал фаолиятни ташкил этишдек (4-курслар учун) каби номлар билан атадик. Ҳар бир босқич якунида тайёрланган тест - саволлари орқали бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш сифати аниқланиб, кейинги босқичга тавсия берилади ва ҳар бир босқични амалга оширишда муайян мавзуларни ўрганишнинг ахборотли технологияларидан фойдаланилади. Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятини ташкил этиш борасидаги ҳар бир босқични баҳолаб боришга ҳам кенг имкониятлар яратади:

- Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятнинг шаклланиши аниқлаш ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш. Бундай муаммони ҳал қилиш учун ҳар бир босқич учун (улар интеллектуал ресурс, интеллектуал салоҳият, интеллектуал фаолият, интеллектуал фаолиятни ташкил этиш босқичларидан иборат) мақсад ва вазифалар аниқланган бўлади ҳамда улар бўйича шаклланидиган билим, кўникма ва малакалар ҳам лойиҳалаш-тирилган бўлади. Ушбу динамик тизимда тескари алоқа масаласига алоҳида эътибор берилади, яъни ҳар бир босқич охирида (лозим топилганда семестр охирида ҳам) босқич мақсад ва вазифасига эришганлик аниқланиб, улар 3 та кўрсаткич бўйича баҳоланади, улар ижобий бўлганда кейинги босқичга тавсия берилади, акс ҳолда ҳар бир босқичга мос ишлаб чиқилган маслаҳат ва консультацияларга амал қилишга тўғри келади. Ушбу динамик тизимнинг кейинги энг сўнгги босқичи эришилган натижалар, натижаларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, эришилган натижага мос хулосалар ва улар негизидаги таълим сифати баҳоси ҳамда касбий фаолиятга тавсиялар каби билан якунланади. Ушбу жараённинг ахборотли технологияли варианты Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг оптимал вариантини ишлаб чиқишга кенг имкониятлар яратади;

- Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга услубий тавсиялар тизимини шакллантириш. Бунинг учун тадқиқот давомида бажарилган илмий-назарий ва илмий-амалий ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, уларнинг истиқболлари тўғрисида ва айниқса, тадқиқот давомида ишлаб чиқиладиган методологиядан бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкинликлари ҳақидаги маълумотлар доимо диққат марказимизда бўлиши лозим. Бундай ишлаб чиқиладиган услубий тавсиялар тизими олиб борган тадқиқотимиз натижаларининг универсаллигини ва шу соҳанинг инновацион ривожланганлигини ҳам кўрсатади. Худди шунингдек, мазкур тавсиялар тизими Таълимда интеграциялашган интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришни илмий асосда олиб борилганлигини ҳам кўрсатади.

Бўлажак ўқитувчиларни инновацион ривожланган интеллектуал салоҳиятли қилиб касбий фаолиятга тайёрлашнинг мустақкам дидактик асоси бўла олади ҳамда шундай йўсинда тайёрланган бўлажак мутахассислар “XXI аср - интеллектуаллаштирилган жамият асри”нинг фаол иштирокчиси ҳам бўла олади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. “Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этиш” . ПФ – 2564. 29 ноябрь. 2017 й.
2. Новиков А.М. Принципы построения системы непрерывного профессионального образования // Педагогика. – 1998. –№3.
3. Раемов М. Узлуксиз профессионал педагогик таълимни такомиллаштиришнинг дидактик асослари. Тошкент: Фан, 2009.
4. Pedagogika. O'. Asqarova va boshqalar. 7-bob. “Fan”, 2004-yil
5. Ангеловски К. Учитель и инновации. – М., Просвещение,1991.
6. Гончаров Н.К. Педагогическая система К.Д. Ушинского. –М., 1974.